

## Сен қайси акамсан?



08:00 / 10.11.2020 2278

Бир киши Муовиянинг эшигига келиб, унинг хизматкорига: «Муовияга айт, туғишган акаси келди», деди. Хизматкор: «Халифанинг сендақа акаси йўқ», деяётган эди, Муовия буни эшитиб қолиб, «Майли, кираверсин», деди. Ҳалиги одам киргач, «Сен қайси акамсан?» деб сўради. «Одам Ато ва Момо Ҳаввонинг ўғлиман», деди ишшайиб тиланчи. Унинг мақсади халифадан каттароқ бирон нима ундириш эканини билган Муовия: «Унга бир дирҳам бериб юборинглар», деди. Бир дирҳамга қониқмаган тиланчи яна кўпроқ нарсдан умид қилиб, «Ўз жигарингизга, туғишган акангизга бир дирҳамгина берасизми?» деб сўради. Муовия табассум билан: «Агар Одам Ато ва Момо Ҳавводан бўлган ҳар бир акамга пул бераверсам, сенга бундан ҳам кам тегиб қолиши мумкин», деди.

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**